

**ШАХМАТНИ ЎРГАТИШДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
КЎЛЛАШНИНГ ДИДАКТИК ЖИҲАТЛАРИ**  
**10.53885/edinres.2022.44.71.121**

М.Х.Тошев

*БухДУ Жисмоний маданият ва спорт кафедраси таянч докторанти*

**Аннотация:** Мақолада бошлангич синф ўқувчиларни шахматга ўргатиш жараёнида компьютер технологияларини кўллашнинг дидактик жиҳатлари келтирилган. Шахмат дастурларининг узига хос дидактик жиҳатлари ўрганилган.

**Калит сўзлар.** Шахмат, компьютер технологиялари, дастур, электрон платформа, ўқувчилар, бошлангич синф.

Махсус ва илмий-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш натижасида бошлангич синф ўқувчиларни шахмат ўйнашга ўргатишнинг турли усуслар мавжудлиги аниқланди, бу ўқувчиларнинг ҳам ақлий, ҳам “жисмоний” ривожланишига ижобий таъсири кўрсатади [1, 2, 4].

Умумий ўрта таълим мактабларида шахматни ўқитиш спорт мактаблари ва тўгаракларидаги ўқитиш жараёнида фарқ қиласди. Шахмат бўйича спорт мураббийи ва умумтаълим мактаби шахмат ўқитувчиси – бу бир-биридан фарқ қилувчи мутахассислардир. Лекин уларнинг ҳар бири кичик ёшдаги ўқувчиларни шахмат ўйнашга ўргатишади. Улар орасидаги асосий фарқ шахмат ўйнашни ўрганишга қаратилган мақсадли ва услубий ёндашувдир. Мураббийнинг иши спортга хос тарзда, ўқитувчининг иши умумтаълимга хос тарзда ўргатиш хисобланади. Мураббий шахматни ўрганишни бошлаётган шахматчида биринчи навбатда, ақлий чидамлилик, умумий жисмоний тайёрлик, шахмат ўйинини назарий билиш каби жисмоний сифатларни ривожлантиради. Ўқитувчи фаолиятида шахматнинг тарбиявий таркибий қисми устунлик қиласди, шу жумладан, ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш ва баркамол шахсни шакллантиришга кўмаклашиш биринчи ўринга чиқади ва шу билан кичик ёшдаги ўқувчилар ривожланишининг асосий кўрсаткичларига айланади. Спорт билан шахмат ўйинини ўргатишда кўпинча истиқболли шахматчилик ажратиш, саралаш ва тайёрлаш устунлик қиласди. Уларни ихтисослаштириш, спорт маҳоратини ошириш йўллари ва воситаларини излаш асосий вазифалардан биридир. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг спортга тайёргарлиги мураббийнинг иш ҳақи миқдорига таъсири қиласди, бу кўпинча, уларнинг машғулотларини тезлашишига олиб келади. Ўқитишга (машғулотларга) бундай ёндашув кўрсатилган етакчи мураббийлик мухитини ва уларнинг фаолият самарадорлигини баҳолашни шу билан бирга шахмат ўйинини ўргатиш (машқ қилдириш) услубини олдиндан белгилайди[2].

Шахмат ўйнашни таълим нуқтаи назаридан ўрганишда ўқитиш методикаси бошқача. Биринчидан, умумтаълим мактаби доирасида ҳар ким ёшидан қатъий назар, шахмат ўйнашни ўрганиши мумкин. Шахмат ўйинини ўргатишда ўқитувчининг мақсадлари кенгрок: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи.

Умумтаълим мактабларининг бошлангич синфларида компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, шахмат ўйинини ўқитиш самарали бўлиши кўплаб илмий тадқиқотларда кўрсатилиб ўтилган. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирда 7 ёшдан 17 ёшгacha бўлган ўқувчиларнинг 85 фоизи компьютердан фойдаланса, уларнинг 20 фоизи доимий равишда интернетга уланади. Шунинг учун бугунги кунда билимларни виртуал эгаллашга бўлган қизиқиши ўқувчиларнинг билимга бўлган кучли мотивларидан биридир[3].

Компьютер технологиялари ёрдамида ўрганишга бўлган мотивация, идрок қилиш, тасаввур ва хиссиётларни ривожлантириш имкониятларини оширади. Бу визуал, чиройли, рангли, информацион, интерфаол бўлиб, ўқитувчининг вақтини тежайди, боланинг тезкор ишлashinga имкон беради. Ўқитувчининг бола билан дифференциал ва индивидуал ишлashinga ҳамда ўқув натижаларини тез кузатиш ва баҳолаш имконини беради.

Компьютер технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларни шахматга қизиқтириш, дикқатини жалб қилиш, турли шахмат вазиятларни тез ва самарали шакллантириш, шахмат топшириқларни ечимларни излаб топиш каби жараенларни ранг баранглиги ва ўқитувчи томонидан назарий ва амалий машғулотларни ўйин технологиялари асосида олиб бориш,- шахмат ўйини асосларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий билиш фаолиятини оширишга имкон беради[4].

Компьютер технологиясидан фойдаланиш ўқувчиларни ранг-баранг олам билан таништириш имкониятларини кенгайтиради, бунда ўқувчилар мустақил равишда маълумотларни олиш, таҳлил қилиш, тақдим этиш ва бошқаларга етказишни ўрганади. Ушбу технологиялар

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

шахматга ўргатиш жараёнининг дидактик ва шахсга йўналтирилган параметрларини сезиларли даражада оширади.

Ўқувчиларни компьютер технологиялари ёрдамида шахмат ўйнашга ўргатиш ақлий қобилияtlар - диккат, тезкор хотира, мантикий фикрлаш ва кенг кўламли тасаввурни оширишнинг самарали воситаси бўлиб, шахснинг баркамол ривожланишига ёрдам беради.

Компьютер технологияларидан фойдаланишнинг яна бир имкониятларидан бири бу кўргазмалилик ҳисобланади. Ўқув материални анъанавий(оғзаки) баён қилиш ва дидактик вазифаларни таҳлил қилиш кўпчилик ўқувчиларда қизиқиши уйғотмайди. Кўргазмали ўқитиш - дарсларни компьютер орқали ўқитишнинг асосий шаклларидан бири сифатида олиб борилиши зарур. Шу билан бирга, тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики, компьютерда ишлашнинг оптимал давомийлиги 10-20 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Компьютер технологияларни шахмат ўйинига кириб келиши замонавий шахматни жуда ўзгартириб юборди. Бундан 15-20 йил муқаддам ўқитувчилар, мураббийлар шахматни ўргатиш учун ўнлаб, юзлаб китоб, журналларни қайта кўриб чиқиб, керакли маълумотларни қидиришга бир неча кун сарфлашга мажбур бўлган бўлса, ҳозир ҳаммасига бир-икки дақиқа вақт кетади[5].

Хозирги вақтда шахмат оламида кўп даражали ва бир даражали шахмат дастурлар мавжуд. Кўп даражали дастурларда ўйин бошланишидан олдин рақибнинг ўйин даражасини танлаш имкониятлари мавжуд. Бундай дастурлар янги ўрганаётган ўқувчиларга кўл келади. Ўзининг билим ва кўнкимда даражасига teng рақибни танлаб(даражасини белгилаб) компьютер дастурлари билан шахмат ўйнаши мумкин. Биринчи даражали - булар бир хил даражадаги дастурлар бўлиб, улар кўпинча, профессионал даражадаги ўйинчилари(масалан жаҳон чемпионлари)га қарши ўйнаш учун яратилган. Демак ўқувчи шахмат ўйнашни энди бошлаган бўлса, унда керакли билимларни мустаҳкамлаши ёки стратегия ва тактикани машқ қилиши учун кўп даражали шахмат дастурини танлаши керак. Бунда энг осон даражадан бошлаб, қийинроқ даражага ўтиш лозим.

Агар ўқувчининг шахмат ўйнаш тажрибаси юқори бўлса, у ҳолда биринчи даражали дастурдан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўйиннинг юқори даражасига "Эришиш", шунингдек, ўйиннинг ҳали номаълум шахмат техникаси ҳақида маълумот олиш имконини беради. Агар ўқувчига битта даражали дастур қийинчилик туғдирса, у ҳолда, ушбу дастурдан воз кечиб, кўп босқичли дастурга ўтиши ва унда шуғулланиши мумкин.

Ўқувчи учун дастурни танлаганингиздан сўнг, сизда ушбу дастур билан қандай қилиб тўғри ишлаш керак, деган савол туғилади. Бунинг иккита йўли бор: биринчиси оддий, дастурни ўрнатиш, фигуralар дизайнни, доскани созлаш, рақиб даражасини танлаш ва ўйнашни бошлаш. Аммо бу усулининг битта муаммоси бўлиб, электрон шахматга ўрганиб қолгандан кейин реал доскада ишлаш мураккаблашади.

Иккинчи йўл. Дастур ёқилгандан сўнг экранда керакли даражага танланади ва ҳақиқий шахматни ўйнаш бошланади. Бунда компьютерда қилинган ҳар бир ҳаракат шахмат доскасига жойлаштирилади, ҳаракатни ўйлаш эса доскада амалга оширилади. Бу керакли амалий тажрибага эга бўлиш ва "ジョンリ" ўйин давомида ўқувчи ўзини енгил ҳис қилиш имконини беради.

Шахматни компьютер ёрдамида ўқитиш жараёнини ташкил этишда MS Office (Word, PowerPoint) дастурлари, шахматни ўргатувчи ва компьютер ўйин дастурлари: «Шахматы с Гарри Каспаровым», «Задачник по шахматам для начинающих шахматистов», «Шахматные этюды», «Шахматный Интернет. Игра и обучение» муваффакиятли қўлланимларда.

Ушбу шахмат ўқув дастурлари мавзулар ва қийинчилик даражалари бўйича таснифланган кўплаб ўқув вазифаларини ўз ичига олади. Ушбу дастурлар бўйича янги ўйинчидан шахмат устасигача бўлган машғулотлар шахмат тактикасини босқичма-босқич ўрганиш учун мўлжалланган. Ўрнатилган ўйин дастурлари индивидуал созламаларни ҳисобга олган ҳолда, берилган позицияларни ўйнашга имкон беради. Дастурларда матн ва график маслаҳатлар ва нотўғри ҳаракатларни ман қилиш мавжуд бўлиб, бу ўқувчиларни мустақил ишлашига имкон беради.

Машғулотда компьютер тестларидан фойдаланиш ўқувчиларда ўрганилган материални қисқа вақт ичida ўзлаштириш даражаси ҳақида холис тасаввур ҳосил қилиш ва уни ўз вақтида тўғрилаш имконини беради

Синфдан ташқари машғулотлар давомида ўқувчиларга турли шахмат таълимий платформалардан(масалан «Шахматная планета») фойдаланган ҳолда турли вазифалар таклиф этиш мумкин. Интернетда оммалашган «Шахматная планета» таълимий шахмат платформаси жуда қизиқарли шахмат портали бўлиб, унда нафақат шахмат ўйнаш, балки қизиқарли назарий материалларни ҳам ўрганиш мумкин [6].

Компьютер технологиясидан фойдаланган ҳолда шахмат ўйнаш - ўз-ўзини тарбиялаш, шахмат ўйинида ўқувчини амалий кўнгилларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун катта имконият хисобланади. Бунинг учун дастурда шахмат компьютери даражасини танлаш (осон, ўрта, кийин) ва шахмат таҳтасида ҳаракат қилиш кифоя.

Компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, шахмат бўйича амалий машғулотлар натижалари шуни кўрсатдик, бундай машғулотларга ўқувчилар хурсанд ҳолда келишиб, фаол ишлайдилар. Компьютер технологияларидан фойдаланиш дарсларни янги маълумотлар билан тўлдириш, компьютер техникасидан мустақил фойдаланиш кўнгилларини шакллантириш, ўқувчиларда шахматга бўлган қизиқувчанликни ривожлантириш имконини беради.

### **Адабиётлар рўйхати**

Анишева В.Е. Методические особенности индивидуализированного начального обучения шахматам детей младшего школьного возраста Дис...канд.пед.наук. – Москва, 2002. – 171 с.

Габбазова А.Л. Интеллектуальное развитие детей младшего школьного возраста в процессе обучения шахматной игре: дисс. ... канд. псих. наук. -М.: 2005. -181с.

Косырев В.Е. Методические особенности использования компьютерных шахматных программ и системы Интернет для подготовки шахматистов к соревнованиям : дис. ... магистра физ. культуры / РГУФК. - М., 2003. - 95 с.

Mahmudov A. Kh. et al. Didactic Potential of Chess Game and Its Influence on Student Achievement //PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology. – 2020. – Т. 17. – №. 6. – С. 11088-11098.

5. Тошев М. Х. Мактаб ўқувчиларини шахматга тайёрлашнинг шакллари: 10.53885/edires. 2021.44. 19.065 MX Тошев БухДУ таянч докторанти //Научно-практическая конференция. – 2021.

6. Тошев М., Рамазанова Ф. Патриотическое воспитание-важная составляющая духовно-нравственного воспитания детей и молодежи //Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2014. – №. 6. – С. 22-27.

7.Halilovich T. M. An International Multidisciplinary Research Journal.

8.Xalilovich T. M. Areas of work of a sports psychologist //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 188-193.

9.Halilovich T. M. The role of chess in the development of intellectual abilities of secondary school students (based on computer technology) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 4. – С. 1254-1258.

10.Шукуров Р., Тошев М. СПОРТ КАК СОРЕВНОВАТЕЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ //Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – 2015. – №. 5. – С. 139-140.

Махмудов А. Х., Абдуазизова В. В. Шахматы в начальных классах: воспитательный аспект //современная наука в условиях модернизационных процессов: проблемы, реалии, перспективы. – 2020. – С. 340-344.

Тошев М. Х. Мактаб ўқувчиларини шахматга тайёрлашнинг шакллари: 10.53885/edires. 2021.44. 19.065 MX Тошев БухДУ таянч докторанти //Научно-практическая конференция. – 2021.

ББ Маъмуро. Аксиологический подход в подготовке будущих педагогов к проектированию учебного процесса.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAJ&citation\\_for\\_view=SqSdKDAAAAJ:W7OEfmFMy1HYC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAJ:W7OEfmFMy1HYC)

ББ Мамуров. МЫСЛИТЕЛИ ВОСТОКА О ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAJ&citation\\_for\\_view=SqSdKDAAAAJ:Y0pCki6q\\_DkC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAJ:Y0pCki6q_DkC)

А Mamanazarov, B Mamurov, B Madrimov, M Mamanazarov, G Ulmasova. Гуманитарные Основания Личностного Развития Студентов В Образовательном Процессе По Физической Культуре.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAJ&citation\\_for\\_view=SqSdKDAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=SqSdKDAAAAJ&citation_for_view=SqSdKDAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)

ББ Маъмуро. Основные требования к качеству высшего педагогического образования.

<https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-trebovaniya-k-kachestvu-vysshego-pedagogicheskogo-obrazovaniya>

ББ Маъмуро. Нравственно-эстетическое воспитание учащихся средствами литературных произведений. [http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis\\_nbuv/cgiirbis\\_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP\\_meta&C21COM=S&2\\_S21P03=FILA=&2\\_S21STR=Otros\\_2018\\_4\\_9](http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis_nbuv/cgiirbis_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP_meta&C21COM=S&2_S21P03=FILA=&2_S21STR=Otros_2018_4_9)

**Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar.** Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

ББ Маъмуроев. Нравственно-эстетическое воспитание учащихся средствами литературных произведений. [http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis\\_nbuv/cgiirbis\\_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP\\_meta&C21COM=S&2\\_S21P03=FILA=&2\\_S21STR=Otros\\_2018\\_4\\_9](http://www.irbis-nbuv.gov.ua/cgi-bin/irbis_nbuv/cgiirbis_64.exe?I21DBN=LINK&P21DBN=UJRN&Z21ID=&S21REF=10&S21CNR=20&S21STN=1&S21FMT=ASP_meta&C21COM=S&2_S21P03=FILA=&2_S21STR=Otros_2018_4_9)